


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Автомобил йўллари қўмитаси
“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўлларини қуриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” Давлат унитар
корхонаси директори




Д. Юсупов

Сариосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктидан Шахрисабз тумани Камар
қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш объекти
ишчи лойиҳасини (ИЛ) ишлаб чиқишга

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТИ

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:
ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
(ЛИЦЕНЗИЯ АЛ-000558)

МАРКАЗ ДИРЕКТОРИ

ПАРМАНОВ У.А.

2022 йил

БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИ “УМУМИЙ
ФЙДАЛАНИШДАГИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ
ҚИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Сарийосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш объекти ишчи лойиҳасини (ИЛ) ишлаб чиқиш

Лойиҳалаштириш бошланғич нархи: – 22 500 000 000 сўм ҚҚС билан.
– 19 565 217 391 сўм ҚҚС сиз.

Ишларни тугаллаш муддати: –5 ой.

Буюртмачи: “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси (Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 68-уй.)

Тендер ташкилотчиси: Танлов савдоларини ташкил этиш Тошкент шаҳар консалтинг маркази (Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 6-уй. тел. (998 71) 244 12 17).

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

- Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Таклифларни баҳолашда Тендер иштирокчиларининг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси “Танлов савдоларини ташкил этиш Тошкент шаҳар консалтинг маркази”га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 6а-уй. тел. (998 71) 244 12 17; e-mail: tender_tash@bk.ru.
- Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот www.etender.uzex.uz порталидан юклаб олишлари мумкин.
- Иштирокчи тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охирига муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- www.etender.uzex.uz махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси директори



Д. Юсупов

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Автомобил йўллари қўмитаси “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси, тендерда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этади ва қуйидаги предмет бўйича тендер таклифини тақдим этилишини сўрайди.

Объект номи: Сарийосиё тумани “Боғча” аҳоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш ишчи лойиҳасини (ИЛ) ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаштириш бошланғич нархи: – 22 500 000 000 сўм ҚҚС билан.

– 19 565 217 391 сўм ҚҚС сиз.

Ишларни тугаллаш муддати: – 5 ой.

Буюртмачи: “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси (Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 68-уй.)

Тендер ташкилотчиси: Танлов савдоларини ташкил этиш Тошкент шаҳар консалтинг маркази (Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 6-уй. тел. (998 71) 244 12 17).

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий лойиҳа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколоти борлиги;

доимий ходимлари, жумладан ЛБМ ва ЛБА ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

тузилган лойиҳа шартномаларига мувофиқ, лойиҳанинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шаҳарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган ишларининг сифатини таъминланиши бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар тендерни предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар тендер иштирокчилари учун йўриқномада ақс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тақдим этилиши ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

- Иштирокчи тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охириги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.

Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг тендер ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

Ташкилотчи раҳбари:



ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи – тендер ахборот жадвали (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) да кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, тендер ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича тендер эълон қилади.

1.2. Тендернинг тури – очиқ тендер, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

1.3. Ишлар тендер ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Лойиҳа ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёқилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

1.5. Тендер ҳужжатлари электрон тарзда берилган ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади, бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хулосасини ўз ҳисобидан олиб беришини ҳисобга олиши лозим.

II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманиннг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

4-шакл. Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси.

5-шакл. Тендер иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

6-шакл. Тендер иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

7-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.3. Техник қисм:

-ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғи.

Изоҳ: *Лойиҳаниннг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

- молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур объект бўйича тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ташкилотлари тендернинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Иштирокчи тендерда иштирок этиш учун тендер ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманиннг VII боби талабларига биноан тендер таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Иштирокчи ўзининг тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, тендер ташкилотчиси ва тендер комиссияси тендер натижаларидан қатъи назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) тендер ҳужжатида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида иштирокчи ёзма равишда тендер ташкилотчисига тендер ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Тендер ташкилотчиси иштирокчининг сўрови бўйича тендер ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда тендерда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, тендер ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки тендер иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилади. Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси тендер иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Тендер иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи тендер комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда тендер иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада оферталар тақдим этиш муддатини янги охириги санаси белгиланади.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Тендер иштирокчилари тендер ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини ўрганиб чиқишлари керак, тендер иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида тендер предметининг ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган лойиҳа қидирув ишлари жараёнида ер участкасини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, тендерга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, тендер иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси томонидан тайёрланган тендер таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Иштирокчи тендер таклифини мазкур тендер ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва тендер ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, иштирокчи тендер таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Иштирокчи ўз тендер таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Тендер таклифлари электрон нусхада ва тендер ҳужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар таркиби:

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖ да кўрсатилади.

7.2.2. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

7.2.3. Тендер иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи (2-шакл). Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.

7.2.3.1. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.4. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида бажарилган ишлар бўйича экспертиза хулосалари нусхалари (агар иштирокчи субпудрат сифатида ишироқ этган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.5. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган тендер иштирокчисининг офис техника ва машина-механизмлари рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.6. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.7. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (7-шакл).

7.2.12. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.13. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.14. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Тендерда қатнашиш буюртмаси таъминоти тизим томонидан қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Тендер ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - тендер ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайтариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайтарилди.

7.5. Тендерда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.5.2. Тендер ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда, ёки тендер ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

VIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 12-шаклда кўрсатилган лойиҳа доирасида бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида иштирокчи таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Тендер иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Иштирокчилар тендер предметиға таклиф этилаётган қийматини, барча ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Оферент объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Тендерда белгиланган Лойиҳанинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

8.6. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

IX. ТЕНДЕР ТАКЛИФНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Тендер таклифининг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 60 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача тендер ташкилотчиси тендер иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Тендер иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларни электрон кўринишда, тақдим этиши керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари барча шакллари электрон вариантда ҳар бир бети савдо иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Тендер иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари тендер таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Тендер ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки тендер иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Тендер комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Тендер ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар тендер таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

13.1. Таклиф берилганидан кейин иштирокчи тендер таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

13.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

14.1. Тендер таклифлари қабул қилиши муддати тугагандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

16.1. Оферентни талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг офертасида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

16.2. Оферентлар таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

XIV. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

17.1. Тендер таклифларни техник қисми тендер комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг, техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

17.2. Агар тендер комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини тендер ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда оферентнинг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан тендердан четлатилади.

17.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

XV. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Тендер ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва тендер баёни расмийлаштирилади.

XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, Лойиха пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

19.3. Агар тендер ғолиби мазкур тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи захира ғолиби билан шартномани расмийлаштириши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур тендер ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб Иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20.1. Электрон тизим тендерни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилади, агар:

- оферталарни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам оферта келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида тендер комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;
- тендер комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда тендер ўтказилмаган деб топилса.

20.2. Тендерни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши тендернинг бирон-бир иштирокчиси (тендер комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

20.3. Агар тендер бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий тендер ўтказилади. Бунда тендер ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XVIII. ТЕНДЕР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим тендер предмети бўйича ва тендер ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи ташкилот номи:	“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси
2.	Объект номи:	Сариосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктдан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш ишчи лойиҳасини (ИЛ) ишлаб чиқиш объекти
3.	Тендер www.etender.uzex.uz махсус ахборот порталидаги Лот №	(Эълон қилиш даврида кўрсатилади)
4.	Тендер тури:	Очиқ тендер

5.	Тендер ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	www.etender.uzex.uz
6.	Тендерни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	Электрон тарзда www.etender.uzex.uz сайтида аниқланади.
7.	Тендерда иштирок этишни таъминлаш кафолатининг миқдори:	Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Тендер буюртмасини таъминлаш кафолати миқдори 112 500 000 сўм, (объект бошланғич қийматининг 0,5 % дан кам бўлмаган миқдорда)
8.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади:	Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурслари мавжуд; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмас; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган. Икки ёки ундан ортиқ лойиҳа ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) Тендерда иштирок этишга рухсат этилмайди.
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Тендер предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май “Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тўғрисида”даги 381-сонли қарорига мувофиқ “А” гуруҳининг 11 ва 13-бандида кўрсатилган фаолият турларига оид 1-тоифадаги лицензияга эга бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ кўприklar ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти лицензиясига эга бўлиши шарт. Мухандислик геодезия ва геология қидирув ишларини амалга ошириш учун мувофиқлик лицензиялари бош лойиҳачи ёки суб ташкилотларида бўлиши шарт.
10.	Тендер таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	www.etender.uzex.uz махсус ахборот порталида белгиланади.
12.	Тендер ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили, ўбек тили (криллица)
16.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	- Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат

		дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси
17.	Тендер таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили:	www.etender.uzex.uz махсус ахборот портали.
20.	Иштирокчиларнинг техник қисмидан ўтиш бали	Техник баҳолаш мезонларига асосан 60 ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар
21.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	– 22 500 000 000 сўм ҚҚС билан. – 19 565 217 391 сўм ҚҚС сиз. Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархига нисбатан 80 % дан кам берилган таклифлари рад этилади
22.	Буюртмачи томонидан белгиланган Лойиҳа ишлаб чиқиш муддати	5 ой
23.	Молиялаштириш манбаи:	Давлат бюджети.
24.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) – Тендер натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қийматининг 15 фоизи миқдориди; ажратилган бўнак, ушлаб қолганини ҳисобга олган ҳолда, ИХ экспертизага топширилгандан сўнг бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи миқдоригача; қолган 30 фоизи – ИХ лойиҳаси Буюртмачига топширилгандан сўнг (муаллифлик назоратидан ташқари)
25.	Шартнома тили:	Ўзбек тили (крилица)
26.	Шартнома валютаси:	Ўзбекистон “сўм”и

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1 - ШАКЛ

Тендер иштирокчисининг номи _____
 Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
 Манзили ва телефон (факс) рақами _____
 Юридик мақоми _____
 Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____
 Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Тартиб Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Лойиҳадаги иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6
Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)					

Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассис ликлар ва разрядлар бўйича	Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловч и хужжати борлари	Улардан (4-устундан) Лойиҳада 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			
	Лойиҳачилар _____ разрядли			
	Сметачилар _____ разрядли			
	Архитекторлар _____ разрядли			
	Конструкторлар _____ разрядли			
	ва бошқалар			

Кадрлар бўлим бошлиғи:

Тендер иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ _____ ” _____ 202_ й.

/имзо ва муҳр/

Изоҳ: Тендер иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи хужжатлари тақдим этилади.

ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот шлова қилинади)

(тендер иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
Узоқ муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

Тендер иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

СТ ИР	Лойиҳа ташкил оти тоифас и	Ташкилот томонидан ўтган йил (202_ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
		Асосий воситала р қолдик (баланс) қиймати Ф-1, 012- сатри	Тўловг а қодирл ик ёки қопла ш коэффи циенти (1,25) =5/(6-7)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичла р			Ўз айланма маблағлари билан таъминланг анлиқ коэффициен ти (020) =(9+10+11- 12)/13	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390 - сат р	770 - сат р	49 0- са тр		48 0- са тр	57 0- са тр	58 0- са тр	13 0- са тр	39 0- са тр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисобкитоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

III - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Мухр ўрни

Сана: “___” _____ 202_ й.

Изоҳ: Оферентнинг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

**ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА
СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (202_ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (202_ йил) охири ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси
камерал назорат бўлими бошлиғи

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ.**

**ТЕНДЕРДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(тендер иштирокчисининг номи)

	Объект номи, лойиҳа шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й	2020 й	2021 й
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ ____ ” _____ 202_ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар бўйича экспертиза хулосалари нусхалари билан тасдиқланади.

ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ
ОФИС ТЕХНИКА ВА МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

Т/ Р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						
БОШҚА ТЕХНИКАЛАР							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 202_ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга Лойиҳа техникасининг тендер иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ
ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ.**

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ
КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____ ,
(Ф.И.О., лавозими.)

_____ томонидан 20__ йил

_____ да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

- а) тендер ҳужжатларини;
- б) лойиҳаолди ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Изоҳ: Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш генплани кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили: _____
(Ф.И.О) _____ ИМЗО

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 202_ й.

ИЛОВАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Шакллари баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар		
I. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1 - шакл (19 балл)					
1.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш ва техник мутахассислигига эга бўлган раҳбарлардан 2 киши мавжудлиги.	4			
2.	Дипломли иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган доимий равишда ишловчи автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 2 та бош мутахассис, 4 та етакчи ва 2 та оддий мутахассис ходимларнинг мавжудлиги.	3			
3.	Дипломли 5 йил иш стажига эга доимий равишда ишловчи 2 кишидан иборат автомобиль йўлларини ва кўприklarини лойиҳалаш бўйича Лойиҳа Бош муҳандиси ва архитектор ходимларнинг мавжудлиги.	3			
4.	Ходимларнинг йиллик ўртача сони 10-30 (<i>ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади</i>)	3			
5.	Дипломли 3 йил иш стажига эга доимий ёки шартнома асосида ишловчи Геодезистлар 3 киши ва геологлар 2 киши	3			
6.	Дипломли 3 йил иш стажига эга Диагностика ходимлари 1 киши (шартнома асосида)	3			
II. Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот. 2, 3-шакллар. (34 балл)					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 1,0 млрд. сўм ва ундан кўп	7			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 200 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	9			
4.	Иш ҳақи жамғармаси камида 150 млн. сўм	7			
5	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп	5			
6	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп	3			
III. Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. 4 - шакл (31 балл)					
1.	Тендер предметига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошланғич нархнинг 20%) ва ундан кўп. (ҳар бир йил 7 балл билан баҳоланади),	21			
2	Тендердагига ўхшаш профил бўйича охириги 5 йилда ўз кучи билан 5 тадан кам бўлмаган ишчи лойиҳа,	10			

	ишчи лойиҳа ва ТИА (ТЭО) ҳужжатларини ишлаб чиққанлиги. (эксперт хулосаси билан тасдиқланади)				
IV. Машина ва механизмлар рўйхати, 5 - шакл (10 балл)					
1.	<p>Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Компьютер 10 дона; -Принтер -3 дона; -Плоттер 1 дона; -Лицензияга эга лойиҳалаш дастурлари 1 дона; -Ходимлар учун авторанспорт (хусусий ёки шартнома асосида) 1 дона; -Охирги 10 йилликда ишлаб чиқарилган дала қидирув ишлари учун геодезик ускуна ва анжомлар комплекти (хусусий ёки шартнома асосида) 2 дона; -Дала қидирув ишлари учун геологик ускуна ва анжомлар комплекти (хусусий ёки шартнома асосида) 1 дона; 	10			
V. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳаолди ҳужжатларини ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 6 - шакл (6 балл)					
1.	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (жойни ўрганганлик ҳақидаги ҳисобот, қурилиш материаллари манбаи ҳақидаги маълумотлар, харита, фото суратлар, объектнинг тахминий қурилиш-монтаж ишлари йиғма қиймати в х.к. билан тақдим этилиши шарт)	6			

Малакавий кўрсаткичларни баҳолашда тендер комиссияси ва ишчи гуруҳга иштирокчиларни юридик манзили, моддий-техника таъминоти базаларини жойлашган жойига эътибор қаратиш лозим.

202_инл.

(объект ному)

ХҮЖАТНИНГ
ТЕХНИК КИСМИ

ТЕНДЕР

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи ТАЖда кўрсатилган.

II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИҲАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиҳа бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан яқунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) – Тендер натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қийматининг 15 фоизи миқдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, ИҲ экспертизага топширилгандан сўнг бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи миқдоригача; қолган 30 фоизи – ИҲ лойиҳаси Буюртмачига топширилгандан сўнг.

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объектлар бўйича тендер ўтказилганда, буюртмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилган.

4.3. Тўловлар буюртмачи томонидан пудрат шартномаси талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Объект бўйича пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига жавоб бериши керак.

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача назарда тутилмаган бўлса, пудрат шартномасининг валюта тури – ўзбек сўмида.

VI. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ (НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ)

Ишчи лойиҳа ишларини бажариш учун

- сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“ ___ ” _____ 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д. Юсупов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталувчи _____, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарорига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириги бўйича белгиланган муддатда _____ объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил “ ___ ” _____ ойида тасдиқланган топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиш ва ижобий хулоса олиш (пудратчи ҳисобидан), муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектнинг лойиҳавий таянч нуқталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, ижобий экспертиза хулосасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, _____ кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ _____ сўмни (шундан 2022 йил _____ сўми лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, _____) сўми объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун) ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик

назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий қиймати экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва қидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул

қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун муружаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ўрнатилган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Пудратчи”

**“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўллари куриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” ДУК**

100000. Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.
Тел: 237-32-04

Л/с: _____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 304 803 666
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ
Директор _____ Д. Юсупов

2022 йил “___” _____ даги
-сонли шартномага 1- илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар: _____
объектининг _____ лойиҳа-смета _____ хужжатларини _____ ишлаб
чиқиш бўйича 2022 йил “___” _____ даги _____ - сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан
_____ сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш
учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Пудратчи”

**“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўлларини қуриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” ДУК**

100000.Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.
Тел: 237-32-04

Л/с: _____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 304 803 666
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Директор _____ Д. Юсупов

2022 йил “___” _____ даги
-сонли шартномага 2- илова

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4. банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3. банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	<i>Аванс маблағи</i>					
1.	<i>Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, АПЗ тайёрлаш, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), Лойиҳа-смета ишлари,</i>					
2.	<i>Экспертиза харажатлари</i>					
3.	<i>Муаллифлик назорати</i>					
	Жами ҚҚС билан					

“Буюртмачи”

“Ўдратчи”

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

томонидан тузилаётган 20_____ йил “_____” _____ - сон Шартнома, умумий суммаси _____ (_____) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

ЮРИДИК ХУЛОСА СИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи): _____

М.ў.

“_____” _____ 202_ йил

Пудратчи ҳуқуқшуноси: _____

М.ў.

“_____” _____ 202_ йил